

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик  
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги  
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг  
2017 йил 6 январдаги  
01-08-сонли буйруғи билан

## **ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ МАГИСТРАТУРАСИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ” ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)**

#### **1.1. Хизмат номи**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига кириш тест синовларини ўтказиш;

#### **1.2. Хизмат натижаси**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига кириш тест синовларини натижаларини тақдим қилиш;

#### **1.3. Хизмат кўрсатувчи орган**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази  
Тошкент ш., Боғишамол кўч., 12  
E-mail: info@dtm.uz  
Веб-сайт: www.dtm.uz

#### **1.4. Ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги 255-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 38-сон, 495-модда*).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2698-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” (бундан буён матнда Низом деб юритилади);

#### **1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига кириш тест синовларига қатнашиш учун ҳужжат топширган жисмоний шахслар;

#### **1.6. Сўровнома берилиш муддати**

Қабул комиссияси томонидан ҳар йили 2 сентябрда — абитуриентларнинг қайд рақами, таълим муассасасининг номи, фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи, туғилган йили ва жойи, тугатган олий таълим муассасасининг номи, манзили ҳамда уни тугатган йили, диплом серияси ва рақами, дипломдаги умумий рейтинг бали, таълим тили, мутахассислиги ва тест синови топширадиган чет тили ҳақидаги маълумотлар базасини мутахассислик бўйича махсус дастурга хатосиз киритади ва абитуриентларнинг электрон сурати билан Давлат тест марказига юборади ва шу куннинг ўзида 2 сентябрда Низомнинг 2-илоvasи 1-шаклига мувофиқ абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида маълумотни, Низомнинг 2-илоvasи 2-

шаклига мувофиқ халқаро (TOEFL, IELTS ёки GMAT) сертификатга эга бўлган абитуриентлар рўйхатини тасдиқланган ҳолда Давлат тест марказига тақдим этади, ушбу рўйхатларга кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади

### **1.7. Ижро муддати**

Тест синовлари ҳар йили 10-сентябрда тест синовлари ўтказилади ҳамда тест синовлари натижалари 2 кун ичида тақдим қилинади.

### **1.8. Хужжатларни тақдим этиш муддати**

Қабул комиссияси томонидан:

4-сентябрда — Давлат тест марказидан абитуриентларнинг умумий рўйхатини тасдиқланган ҳолда қабул қилади ва уни шу куннинг ўзида Банк-молия академияси расмий веб-сайтига ва қабул комиссияси эълонлар тахтасига жойлаштиради;

7-сентябрда — Давлат тест марказидан абитуриентлар рухсатномалари ва абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномаларини қабул қилиб олади;

8-сентябрда — тест синовлари ўтказиладиган биноларда абитуриентларни тест синови ўтказиш тартиби билан яна бир бор таништириш мақсадида маслаҳат пунктлари ташкил қилади ва абитуриентларга абитуриент рухсатномасини тарқатади;

## **2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ**

### **2.1. Кенг доирада маълумот берилиши**

Абитуриентлар тест синовини ўтказилиши ва уни топшириш қоидалари тўғрисидаги ахборотлар Давлат тест маркази ҳамда Банк – молия академияси расмий веб-сайтлари орқали маълумот олишлари мумкин.

### **2.2. Сўровнома бўйича маълумот берилиши**

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун фуқаронинг ўзи шахсан келиши лозим.

### **2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш**

Қабул комиссияси томонидан 9-сентябрь куни тест синовлари ўтказиладиган биноларда абитуриентлар учун репетиция ташкил этилади ва ўтказилади.

### **2.4. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2698-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” да келтирилган шакллардан фойдаланилади.

## **3. ХИЗМАТ КўРСАТИШ**

### **3.1. Иш вақти**

Тест синовларини ўтказишга доир барча хужжатлар Давлат тест маркази иш куни ва иш вақтида тақдим этилиши мумкин.

Иш вақти: 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

### **3.2. Кутиш шarti**

Тест синовлари натижалари 2 кун ичида чиқарилади.

## **4. ХИЗМАТ КўРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ**

### **4.1. Талаб қилинадиган хужжатлар**

1. Мутахассислиги кўрсатилган ҳолда белгиланган шаклдаги ариза

2. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма – Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илованинг асли

3. 3.5 x 4.5 ҳажмдаги 6 донга рангли фотосурат

4. Тегишли вазирлик ва бошқа ташкилот раҳбари томонидан имзоланган йўлланма

5. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (сўровнома, кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган)

6. 086-У – шаклдаги тиббий маълумотнома

7. Меҳнат дафтарчасидан нусха (кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган)

Ҳужжатлар тақдим этилиши жараёнида номзодлар паспорт (нусха) ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

#### **4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати**

Давлат хизмати шартнома асосида кўрсатилади.

#### **4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари**

Қабул комиссияси томонидан:

1-босқич. 20-августгача тегишли бино ва аудиторияларни тест синовларини ўтказиш учун тайёрлайди ҳамда 31-августгача тест синовларини ўтказиш режалаштирилган бинолар ва аудиториялар ҳақидаги маълумотларни Низомнинг 1-илоvasи 1 — 7-шаклларига мувофиқ Давлат тест марказига тақдим этади, ушбу маълумотларга кейинчалик ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

2-босқич. 3 сентябргача Низомнинг 3-илоvasига мувофиқ шаклдаги титул варақаси, Низомнинг 4-илоvasига мувофиқ шаклдаги абитуриент рухсатномаси, Низомнинг 5-илоvasи 1-шаклига мувофиқ абитуриентларнинг умумий рўйхати ҳамда Низомнинг 5-илоvasи 2-шаклига мувофиқ абитуриентларга рухсатномаларни тарқатиш қайдномасини чоп этиш бўйича Давлат тест маркази билан шартнома тузади;

3-босқич. 8 сентябрда — тест синови ўтказиш учун тайёрланган биноларни Давлат тест марказининг бино вакилига топширади ва бу ҳақда Низомнинг 6-илоvasи 1-шаклига мувофиқ бинонинг тест синовларига тайёрлиги тўғрисидаги баённомани расмийлаштиради;

4-босқич. 9 сентябрда — абитуриентлар учун репетиция ташкил этади ва ўтказиш ҳамда шу куни соат 7.30 га қадар Давлат тест маркази директори томонидан тасдиқланган Низомнинг 6-илоvasи 2-шаклига мувофиқ бино ҳудудига киришга рухсат берилган Давлат тест маркази вакиллари (муассаса, бино, ҳудуд ва қават вакиллари), видеооператорлари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари рўйхатини олади ҳамда назорат хизмати постларига топширади;

5-босқич. 10 сентябрда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда абитуриентларни бино ҳудуди ва бинога ўз вақтида тартибли киритиш учун ҳар бир бино эшигида назорат хизмати постларини, Банк-молия академиясида ташкил этилган Бош штабда, биноларнинг кириш эшигида ва тест материалларини тарқатиш-қабул қилиш хонасида (штабда) видеотасвир ўрнатилишини таъминлайди;

#### **4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари**

Давлат тест маркази тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ куйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларининг махфийлигини сақлаган ҳолда сифатли ва нуқсонсиз тайёрланишини таъминлайди;

тест саволларини тузади ва уларни экспертиза қилади;

Аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари учун ўтказиладиган семинар машғулоти бўйича дастур ишлаб чиқади ва Банк-молия академиясига тақдим этади;

Абитуриентларнинг аудиториялар бўйича рўйхатларини шакллантиради  
Бажарилган тест топшириқларини текширади ва натижасини чиқаради  
Тест материалларини тест синови ўтказиладиган бинога ва тест синови тугагандан  
сўнг, Давлат тест марказига етказилишини таъминлайди;

## **5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ**

### **5.1. Сифат кўрсаткичлари**

Абитуриент жавоблар варқасидаги “Test sinovlari qoidalari buzildimi?” пунктида тест синовларини ўтказиш жараёни ҳақидаги ўз фикр – мулоҳазаларини **“Ha”** ёки **“Yo’q”** кўринишида билдиришлари мумкин.

### **5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят**

Магистратурага кириш тест синовлари натижалари юзасидан номзодларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун Банк-молия академияси ректорининг буйруғига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссиясининг аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин